

## Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 805-ҳадис

1614 و 805/1615 - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ أَوَّلَ شَيْءٍ بَدَأَ بِهِ - حِينَ قَدِمَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - أَنَّهُ تَوَضَّأَ، ثُمَّ طَافَ، ثُمَّ لَمْ تَكُنْ عُمْرَةً. ثُمَّ حَجَّ أَبُو بَكْرٍ وَعُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: مِثْلُهُ.

805.1614, 1615. Урва айтади:

«Оиша розияллоху анҳо менга шундай хабар берди: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам (Маккага) келганларида биринчи қилган ишлари таҳорат олиш бўлди. Кейин тавоф қилдилар. Аммо бу умра бўлмади. Сўнгра Абу Бакр ва Умар розияллоху анҳумо ҳам худди шундай ҳаж қилишди».

Кейин отам Зубайр розияллоху анҳу билан бирга ҳаж қилдим. Аввалги қилган иши тавоф бўлди. Кейин муҳожир ва ансорларнинг ҳам шундай қилганларини кўрдим. Онам менга хабар берганки, унинг ўзи, синглиси, Зубайр ва фалончи-фалончилар умра учун эҳром боғлашган экан. Рукнни истилом қилгач, эҳромдан чиқишиган экан».

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

